

Савобни эмас, шукрни ўйланг!



07:01 / 29.11.2018 3140

Вухайб ибн Вирд айтади: “Бир киши келиб, “Эй Абу Умайя, Байтуллоҳни тавоф қилган инсонга қандай савоблар бўлади?” деб, ҳоли жонимга қўймай сўрайверди. Мен шундай дедим: “Аллоҳ гуноҳимизни кечирсин! Бу ҳақда сендан бошқалар ҳам сўраган эди. Мендан буни эмас, балки Байтуллоҳни етти марта тавоф қилишни насиб қилган Аллоҳ таоло зиммамизга қандай шукр қилишни вожиб қилганини сўранглар. Зинҳор сизга бирор иш буюрилганда: “Агар мукофотни тайин қилсанг, қиламан”, дейдиган кишилардан бўлманглар”.

“Солиҳлар гулшани” китобидан